

**Низомий номидаги ТДПУ физика-математика факультети
Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, доцент
С.Қ.Турсуновнинг «Web-саҳифа яратиш технологиялари. HTML»
мавзусидаги очиқ дарси юзасидан**

ТАҚРИЗ

Очиқ дарс 19 октябрь 2017 йил куни «Кимё ўқитиш методикаси» таълим йўналиши (КЎМ) 201-гурухida (4-08 ўкув хонасида) ташкил қилинди.

Ўқув фанининг номи: Информатика ва ахборот технологиялари.

Дарснинг мақсади: Талабаларда Web-саҳифа яратиш технологиялари. HTML тўғрисида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Дарсга қатнашган талабалар: 15 нафар

Дарсга сабабсиз келмаган талабалар: йўқ

Ўқитувчининг меъёрий ҳужжатлари: ишчи дастур, календар тематик режа, ўкув услубий мажмуалар мавжуд. Ўқув аудиторияси дарсга тайёр: тозалиги талаб даражасида, компьютер ва проектор билан жиҳозланган, доска дарсга тайёр ҳолатда. Дарс талаб даражасида ташкил қилинди: талабаларнинг давомати аниқланди, уларнинг кийиниш маданиятига эътибор қаратилди, уй вазифаларини текшириб чиқилди ва баҳоланди. Янги мавзу эълон қилинди: «Web-саҳифа яратиш технологиялари. HTML». Фойдаланилган адабиётлар билан таништирди. Асосий адабиётлар:

№	Muallif	Adabiyot nomi	Adabiyot turi	Nashr yili
1.	M.Aripov, M.Fayziyeva, S.Dottayev.	Web texnologiyalar	O‘quv qo‘llanma	T.: “Fayla-suflar jamiyati”, 2013 y.
2.	M.Mamarajabov, S.Tursunov.	Kompyuter grafikasi va Web dizayn.	Darslik	T.: “Cho‘lpon” 2013 y.
3.	U.Yuldashev, M.Mamarajabov, S.Tursunov	Pedagogik Web-dizayn	O‘quv qo‘llanma	T.: “Voris”, 2013 y.

Internet saytlari

1. www.ziyonet.uz – Axborot ta’lim portali
2. www.edu.uz – Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi portali
3. www.tdpu.uz – Nizomiy nomidagi TDPU rasmiy sayti
4. www.amazon.com

Дарс режаси саволлар кетма-кетлигига берилиди. Ҳар бир саволларнинг моҳияти кетма-кет тартиб билан очиб борилди. Мавзуни тушунтиришда Кластер, венн диаграмма, ақлий ҳужум каби методлардан фойдаланилди ва талабаларнинг фаоллиги сезилиб турди. Янги мавзунинг мазмуни илмий ва методик жиҳатдан тушунарли ва равон тилда баён қилинди. Берилган саволларнинг барчасини тушунтиришга улгурилди ва мақсадга эришилди деб ҳисоблайман. Компьютер слайдларидан ва турли педагогик дастурий воситалардан унумли фойдалана олди. Дарс жараёнида ақлий ҳужум, кластер каби метод ва технологиялардан фойдаланилди ва бунда талабаларнинг қизиқишилари ва фаолликлари ортди.

Ютуқ ва камчиликлар: Янги мавзунинг мазмуни илмий ва методик жиҳатдан тушунарли ва равон тилда баён қилинди. Кўзланган барча режаларни баён қилишга ва тушунтиришга улгурди ва қўйилган мақсадга эришилган. Компьютер слайдларидан унумли фойдалана олди. Web-саҳифа яратишида кўлланиладиган дастурий воситалар кластери ва кўлланиладиган ранглар кодлари жадвали тарқатма материал кўринишида талабаларга тарқатилди. Талабаларни дарсга қизиқтира олиш даражаси ва талабаларнинг фаоллиги ҳам дарснинг ютуқларидан бири ҳисобланади. Уйга вазифа ҳам берилди. Дарсни якунлаб уни мустаҳкамлашга кам вақт ажратилди.

Таклиф: Дарсни мустаҳкамлашга кам вақт ажратилди. Вақт кўп ажратилса дарс янада самаралироқ бўларди деган фикрдаман.

Тақризчи:



Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги ТАТУ
хузуридаги ПХҚТ ва УМО тармок
маркази директори, п.ф.д., профессор
Закирова Ф.М.

сана: 26 октябрь 2017 й.